

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ


ЎЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI

Мустанкил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил топганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан Россия пойтахтида МДХ давлатлари раҳбарлари иштирокида саммит ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ушбу олий даражадаги учрашувда катнашиш учун 29 ноябрь кuni Москва шаҳрига жўнаб кетди.

ОВОЗИ

2001 YIL 1 DEKABR ♦ SHANBA ♦ № 142 (26.844)

МДХНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИ



Учрашувда асосан МДХнинг ўн йиллик фаолияти яқунлари ҳамда Ҳамдўстлик доирасида келгусида қилинадиган ишларга оид масалалар муҳокама қилинади.

— МДХни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо ҳудудини яратиш, чегара ва боғжонага оид қонун-қоидаларни мувофиқлаштириш ва бу йўналишда мавжуд муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш эди, — деди Президент сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида. — Аммо, айрим давлатлар бу мақсадларга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб, Ҳамдўстликка бошқача тус берди ва қандайдир ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишга берилиб кетди. Натижада МДХ доирасида имзоланган талай ҳужжатлар ижро этилмади қолди. Қўллаб-қувватлаш керак эди, лекин бу маълум даражада Ҳамдўстлик бўлишига эришилди. Умуман, аёвал бошдан ҳамма нарса иқтисод негизида ташкил қилинган эди, сиёсий ва ижтимоий масалалар ҳам бирин-кетин ўз ечимини топган бўларди.

Мамлакатимиз раҳбари МДХнинг келажаги ҳақида гапирар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, Ҳамдўстлик доирасида истиқболда қилинадиган ишларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Бунда биринчи навбатда МДХ таркибиде ҳарбий-сиёсий гуруҳлар тузишдан воз кечиш ва асосий эътиборни иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга қаратиш лозим. Айниқса, Ҳамдўстлик доирасида икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга янада кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳуқуқий асосга эга бўлган ҳужжатлар ижросини таъминлашга катта ёрдам беради, деди давлатимиз раҳбари.

Москва, 29 ноябрь.

Президент Ислам Каримов Москвага етиб келиши билан саммит доирасидаги икки томонлама учрашувларни бошлаб юборди. Давлатимиз раҳбари Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе, Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов ва Молдова президенти Владимир Воронин билан учрашди. Учрашувларда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Москва, 30 ноябрь.

Россия пойтахтида МДХ га аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабрь ойида МДХ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди, МДХнинг бугунги аҳоли ва келажаги ҳусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Ҳамдўстлик фаолиятида биринчи галда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масалаларига эътиборни янада кучайтириш мақсадида ҳар хил ҳарбий-сиёсий мавзуларга чалғимай, ўзаро манфаатли муносабатларни рағбатлантиришга интилиш мақсадида мувофиқлигини таъкидлади. Зотан, МДХни тузишдан мақсад ҳам мавжуд иқтисодий ришталарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат эди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ялли мажлисида ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш ва энгиллатиш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, боғжона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, ҳўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Мажлисда Афғонистондаги вазият ва мазкур мамлакат

халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда хавфсизликка оид масалалар ҳам кўриди. Давлатлар раҳбарлари МДХ тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотларга имзо чекди.

■ **Анвар БОБОЕВ, Ўза мужбири**

Суратда: Саммитдан лавҳа. Абдувоҳид Тўраев (Ўза) олган сурат

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Пекинда Хитой Халқ Республикаси «Эксимбанк»и ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Пахтабанк»и ўртасида мамлакатимизга минтракторлар ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш бўйича 100 миллион юан миқдордаги кредит битими имзоланди.

Ушбу битим республикага Хитой ҳукуматининг имтиёзли кредитини етказиб бериш тўғрисида Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги ҳукуматлараро шартнома асосида тузилди.

Хитой томонидан битимга имзо чеккан «Эксимбанк» президенти Ян Цилинь қайд этганидек, бу мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалик машинасозлигини ривожлантиришга хизмат қилибгина қолмасдан, икки томонлама товар айланишини кенгайтиради ҳам. «Ўзбекистонда қўлай сармоёвий иқлим яратилгани ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилётгани ушбу кредит битимини рўёбга чиқариш имконини берди», деди Ян Цилинь.

■ «Жаҳон» АА

BU DUNYONING ISHLARI

СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ

АҚШ аҳолисининг 91 фоизи Афғонистондаги ҳарбий операцияни тўла қўллаб-қувватламақда. «Эй-би-си» телекомпанияси ҳамда «Вашингтон пост» газетаси ҳамкорлигида ўтказилган сўров натижалари шундан далолат бермоқда. Шунингдек, сўровда қатнашганларнинг 81 фоизи террорчиларга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошқа давлатларда ҳам давом эттириш мумкин деган фикрда.



КЎШИМЧА КУЧ ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА

Индонезия ҳукумати мамлакатнинг но-тинч ҳудудлари, айниқса, Ачех ва Ириан-Жая вилоятларида ҳарбий кўпайтирмоқда. Айни пайтда айирмачи гуруҳларга қарши курашаётган аскарлар сони эллик мингдан ошган. Ҳукумат вакилларининг айтишича, айирмачилар тинчлик шартномаларига риоя қилмаётгани боис мазкур ҳудудларга қўшимча куч жўнатилди.

АСИРЛАР ОРОЛГА КЕЛТИРИЛДИ

Ҳиндистон матбуотининг ёзишича, Афғонистондаги ҳарбий операция пайтида ҳибсага олинган «Ал-Қаида» ташкилотининг ўн уч аъзоси Тинч океанидаги Ваке оролига келтирилган. Авоалига уларни Гуам оролига келтириш мўжазланган эди, бироқ орол аҳолиси бунга қаршилик билдирган, Пентагон вакиллари асирларни Вакега келтиришга қарор қилган. Маълумотларга кўра, АҚШ ҳарбий базаларидан бири жойлашган бу оролнинг аҳолиси атиги 123 кишини ташкил қилади.



ХДП ХАБАРИ

МУАММОЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Аёллар кадр топган жамият-фаровонлик, юксак маданият ривож топаверади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Истиқбол» ёшлар клуби, «Ўзбекракс» миллий ракс биллашмаси, республика «Оила» маркази, Тошкент шаҳар «Лидер аёллар» маркази, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, ижодкор аёллар партия фаоллари иштирокида



«Аёл қалби» мавзуи бўйича дара суҳбати бўлиб ўтди.

Инсон табиатини санъатга ошуфта, очиги, «Ўзбекракс» миллий ракс биллашмаси қўшиқдаги «Етти гўзал» гуруҳининг куй-қўшиқлари анжуман аёлларини жонлантириб юборди. «Аёл қалби» иштирокчилари жойларда олиб борилаётган ижобий ишлар, хусусан, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилди.

— Аёлни икки муаммо — маънавий ҳамда моддий муаммолар кўпроқ ташвишга соялпти, — деди «Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Басира Саййид Али. — Моддий муаммоларни ҳал этиш мумкин, лекин аёлнинг оилада-

ги, жамиятдаги маънавий муаммолари ҳам талайки, буни биргаликда ҳал этишимизга тўғри келади.

Бугунги кунда долзарб саналган «Аёл ва оила», «Аёл ва жамият», «Аёл ва бола тарбияси» муаммолари ҳусусида ҳам турли хил фикр-мулоҳазалар, қарашлар, баҳс-мунозаралар олиб борилди.

Тошкент шаҳар «Лидер аёллар» маркази директори Маҳбуба Эргашеванинг фикрича, тадбиркорлик борасида ҳам аёллар фаол иштирок этяпти. Мухими, хотин-қизларимиз «тижоратчи», «олиб-сотарлик»дан тадбиркорликни кескин фарқлай бошладилар. — Сир эмаски, баъзи ёшлар-



риб чиқаришини унутиб қўяётган ҳолларимиз ҳам бўляпти. Бир жиҳатдан олиб қараганда, аёл зиммасига оила муаммоси юклатилиши адолатданмикин?! Аёл риволуциддек яшашга, фақат ўзига тааллуқли масалалар билан шугулланишга, қўпол қилиб айтганда, том маънода аёл эканлигини ҳис этишга фурсат топаётими?! «Аёл қалби» иштирокчиларига шундай савол билан мурожаат этган маърузачиларни йиғилганлар қарсақлар билан қаршилади. Демакки, аёл қалбига бу муаммолар яқин.

■ **Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мужбири**

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

УЧ НАШРНИ ЎҚИЙМАН

Пенсионерман. Филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзосиман. Шундай бўлса ҳам ёшлар ишлаётган ташкилотларга бориб, қўлимдан келганича ёрдам бериб тураман. Жўмладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чортоқ туман кенгаши тадбирларида катнашман. Шу йил сентябрь ойида ўтказилган илмий-амалий анжуманда «Она ва бола — миллат таянчи» мавзусида маъруза қилдим.

Ушбу фаолиятларим учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан «Ташаккурнома» ва қимматбаҳо совға билан тақдирландим.

ХДП аъзоси бўлганим учун мен унинг нашрларида — «Мулоқот» журналига, «Ўзбекистон овози» ва «Халқ ордаси» газеталарига 2002 йил учун обуна бўлдим.

■ **Жўраҳон РАҲИМОВ, Чортоқ шаҳри**

ИБН СИНО — ИНТЕРНЕТДА

Шу йил июнь ойида Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари, профессор Баҳодир Эргашев кадимий шаҳарнинг тарихи, бугунги ва эртаси ҳақида ҳўжа қўлувчи сайтни тайёрлаб, интернетга киритганди. Бу вақт мобайнида Япония, Германия, Франция, АҚШ, Исроил каби 17 мамлакат фуқаролари ана шу сайтга тўрт минг мартаба мурожаат қилишиб, жаҳон тиббиёт ривожига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино ҳаёти ва илмий меросини ўрганишган.

Биргина бу эмас. Интернет саҳифаларида энг кўп — 9 минг мартадан зиёд тилга олинган шахс — айнан буюк ватандошимиз Ибн Синодир. Ҳатто у ҳақда Европада яратилган католик энциклопедияда ҳам беҳисоб маълумот берилган. Ҳа, жаҳон ахли бутун Бухорои шариф ва унинг асл фарзандлари ҳақида интернет орқали тўлиқ маълумотга эга бўлаётганлиги ҳам истиқлол шарафатидан.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ГАЗЕТА ЁРДАМ БЕРДИ

Тахририятимизга «Меҳнат» тор кўчаси 22-уйда истиқомат қилувчи Назира Исматуллаевадан шикоят хати келган эди. Хатда баён этилишича, онахоннинг ўғли уч йилдан бери Андижон иқтисодиёт-муҳандислик институтига ўқишга кириш учун ҳаракат қилар экан. Зеро, ўзига ишонган қобилиятли йигитнинг негидир тўплаган баллари етмай, тест синовларидан ўтмай қоларкан. Бу йил ҳам шундай бўлган, яъни айрим чалкашликлар сабаб ўғли институтдан «ийқилган». Ўғлининг илм истаб изтироб чекаётганини кўрган она тахририятимизга хат йўллашга мажбур бўлган. Биз шикоят хатини республика Давлат тест марказига йўллаган эдик.

Яқинда шикоят хатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази директори ўринбосари А. Ишматов имзоси билан жавоб хати олдик. Унда «онахоннинг ўғли Шерзодбек Исматуллаевага 0627900 рақамли варақа билан 140 рақамли саволлар китоби берилган. Аммо саволлар китобида немис тили бўйича саволлар бўлмагани учун қўшимча 112 вариант билан немис тили бўйича саволлар китоби берилган. Тест натижаларини ҳисоблаш вақтида бу ўзгаришлар ҳисобга олинган ва ўзбек тили ва адабиёти, математика блоклари 140-вариант билан немис тили блоқи эса 112-вариант бўйича ҳисобланган. Натижада Шерзодбек тўплаган умумий балл 141,3 бўлган. Ўғлинингизи ўзи

топширган фанлар бўйича тўплаган баллари тўғри эканлигига қафолат берамиз» дейилади. Кунги кеча онахондан миннатдорчилик мактуби олдик. Унда шундай дейилган: «Маълум бўлишича, ўғлим тўплаган баллар 93,0 эмас, балки 141,3 балл экан. Шундай қилиб ниятига етдим. 25 октябрь кунги контракт пулининг 50 фоизини тўлаб, ўғлимнинг қўлида талабалик гувоҳномасини қўришга муяссар бўлдим. Менинг бирдан-бир ниятим иқтидорли ёшлар қатори билим олишга аҳд қилган ўғлим ҳам келажақда давлатимиз равнақи йўлида хизмат қилса бўлгани. Хуллас, ҳақиқат қарор топганидан беҳад мамнунман ва тахририятга миннатдорчилик билдираман.

■ **Назира ИСМАТУЛЛАЕВА, Андижон шаҳри**

ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ

АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ! ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121

БАНК ВА ИСЛОХОТ

Ўттиз йил шу ерларда тракторчи бўлдим. Икки йил бригадирлик қилдим. Ер шароитимиз оғир. Бироқ, ўз еринг устида тер тукиш бошқа-ю, ёланиб ишлаш бошқа экан. Хўжалигимизга тегишли пахта,

ратланарлиси, фермер хўжалигининг дала шийпониди ростмана сауна ишлаб турибди. — Фермер хўжалиklarини доимо қўллаб-қувватлаб келаямиз, — дейди виллоят «Пахта банк» бошқаруви бошлиғи Р.Шаропов. — Мисол учун Ёзёвон фермер хўжалиklarига қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириш учун шу йилнинг ўзида 773 миллион 841 минг сўмдан ортиқ махсус трансмаблаглари ажратганмиз. Улар нефть махсулотлари, минерал ўғит сотиб олиш, лизинг тўлови ва техника хизматларига сарфланган.

ЎЗЁВОН ТОМОНЛАРДА

«Туманда бу йилги пахта тайёрлаш режаси асосан фермерларнинг саъй-ҳаракати билан амалга ошди», — дейди «Пахта банк» туман бўлими бошқарувчиси Имямин Кодиров



дон майдонларида ҳар биримиз сийдиқидан меҳнат қилдик. Ўғитнинг бирор граммими бежо сарфламиз, ерга солдик. 37 йиллик пахтакорлигим тарихида шу йил илк марта 9 август куни теримга тушиб 30 август куни режа баҳариланганлигининг гувоҳи бўлдим. Пахтанинг ҳаммаси юқори навга сотилди. — Пахта заводи билан шартнома тузганмиз, — дейди фермер хўжалиғи хисобчиси Мухаммаддон Ҳамидов. — «Пахта банк»дан сўда олгандик. Банк ходимларига раҳмат, улар орқали лизинг йўли би-

ган. Аммо биз маблагни бериб қўйиб «Қачон фойдаси билан келаркин?» дея кутиб ўтирмаймиз. Аксинча, банкимиз хизматчилари тез-тез фермер хўжалиklarиди бўлиб, уларнинг кундалик ишлари билан қизиқиб, ердан фойдаланиш, маблаг сарфини назорат қилиб бордилар. Бирники мингта, мингники туманга дейдилар. Агар битта фермер режада кўрсатилган майдонларнинг бир қисмига пахта экиш ўрнига қовун-тарвуз ёки шולי экадиган бўлса, муносабатларимизни қайта кўриб чиқамиз. Қарс икки қўлдан, дейдилар ахир. Фермерларга банк хизматини яхшилаш мақсадида Ёзёвон туманининг ўзида 3 та мини банк очаямиз. Чунки, вақтни ганимат билгучи фермер молиявий иштини бахариш учун 30-40 қачирим олдсизга туман марказига қатнаб юрмасин...

Фермер хўжалиklarининг афзалликлари ҳақида кўп гапиргандик. Келинг, худди шу Ёзёвон тумани ширкат ва жамоа хўжалиklarига фаолиятини қийсий бир таҳлил қилайлик. Тумандаги ширкат ва жамоа хўжалиklари қишлоқ хўжалик махсулотлари сотишдан сурункасига иқтисодий зарар кўрмақдалар. Масалан, пахтачиликдан 2001 йилда туман жамоа-ширкат хўжалиklари



56 журналист хизмат вазилигини бажарётган пайтда жонига қасд қилган, дейлади газеталар муассислари Бутунжаҳон ассоциациясининг маърузасида. Йил бошидан шу кунгача ҳисоблашда дунё бўйича ушбу кўрсаткични ташкил этади. Қайгули жиҳати шундаки, бу рақам ўтган йилги кўрсаткичдан ортиқдир, яъни ўтган йили 53 журналист ўлдирилган эди.

АФҒОНИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАЛАНМАЙДИ

Буюк Британия мудофаа вазирининг фикрича, халқаро коалициянинг террорчиликка қарши кураши келгусида ҳам давом этади. У халқаро коалициянинг Усома бин Ладин ва «Ал-Қаида» жиноий ташкилотига қарши кураши фақат Афғонистон ҳудуди билан чегараланмаслигини маълум қилди.

ПРЕЗИДЕНТ РАД ЭТДИ

Миср Президенти Хусний Муборак Мисрнинг Шимолий Кореядан баллистик ракеталар сотиб олаётгани ҳақидаги хабарни рад этди. Агар Шимолий Кореянинг бизга баллистик ракета етказиб бераётгани рост бўлганда, бу ҳақда ўзимиз ошкор этардик. Чунки, ҳозир бирор-бир ишни махфий амалга ошириш мумкин бўлмай қолди, деди у.

НАВБАТДАГИ СИНОВ

АҚШ мудофаа вазирилик бугун ҳаво ҳужумига қарши мудофаа дастури доирасида навбатдаги синовни амалга оширади. Хабарларга қўра, Тинч океанидаги Маршалл оролларида жойлашган ҳарбий базадан учирилган ракета қитъаларо баллистик ракетани уриб тушириши керак.

ТАНЛОВ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Буюк Британияда «Мамлакат компанияси» миллий бизнес-танлови ниҳоясига етди. «Йилнинг энг зўр корпорацияси» номига «Шелл» корпорацияси муносиб топилди. «Йилнинг энг зўр раҳбари» деган унвон эса «Бритиш петролеум» корпорацияси бошлиғи Жонн Браунга насиб этди. Танлов «Бутунги менежмент» журнали билан Ноттингемдаги бизнес мактаби ҳамкорлигида ўтказилди.

СОЛАНА ФИКРИЧА...

Европа Иттифоқи Черногориянинг Югославия таркибида қолиши тарафдори. Мазкур ташкилотнинг ташқи сийсат ва хавфсизлик бўйича вакили Хавьер Солананинг фикрича, бу Югославияда кенг қўламли ислоҳот ўтказиш, Бўлқон минтақасида тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамлашида юят муҳимдир. Хабарларга қараганда, Бельградда ЕИ вакили ва Черногория раҳбарлари ўртасида ушбу масалада музокара ўтказилган.

БАҲОРИГА ЧАҚИРИҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРАФДОРЛАРИ

Россия давлат думасида Россия Федерациясининг қуроли кучлари таркибига баҳорги чақириқни бекор қилиш тўғрисидаги янги қонун лойиҳаси тайёр ҳолага келтирилди. Унинг тарафдорлари — «Яблоко» ва «Унг кучлар Иттифоқи» фракцияси вакиллари, шунингдек, «Россия региони» гуруҳидир. Улар амалдаги «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги федерал қонуннинг 25-моддасига ўзгаришлар киритишни ва Россия Федерацияси қуроли кучлари таркибига баҳорги чақириқни 2003 йил 1 январдан бекор қилишни тақдир эттишмоқда. Қонун лойиҳаси муаллифларининг айтишларича, «ҳарбий хизматга чақирувни қузуда, яъни амалдаги қонундагидек 1 октябрдан эмас, балки 1 сентябрдан бошлаб, чақирув комиссиясининг иши янада кўтаринқилик касб этиб, фаолашадиган». Ва бундан ташқари «энизиона мактаб, билим юрти ёки техникумни битирган ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун яна ўқини давом эттириши имконияти туғилади», дейишмоқда депутатлар.

Сир эмас, Ёзёвон яқин-яқинларда ҳам Фарғона вилоятидаги қоққоқ туманлардан бири ҳисобланарди. Қишлоқ хўжалиғи соҳасида бу айниқса сезилар, пахта, дон ва бошқа экинлар етиштириш бўйича туманлардо кўрсаткичда ҳам охириги ўринда эди. Бунга туманнинг чўл минтақасида жойлашганлиги, ерларнинг захкаш, шўрлиги, ишчи кучининг етарли эмаслиги, виллоят марказидан олислиги каби билар сабаб деб изоҳланарди. Бироқ, кейинги 2-3 йил ичида Ёзёвонда қишлоқ хўжалиғи, хусусан, пахтачилик ва галлачиликда кескин ижобий ўзгаришлар юз берди. Пахта ва дон тайёрлаш шартнома режалари ортиги билан бажарила бошланди.

Ҳўш, кечагина носоз тўпрок шароити-ю шўр балосидан шикоятланиб юрган ёзёвонликлар қанақасига бирдан пешқадимлар рўйхатиға кириб қолишди? Ахир ер ўша, сув ўша, шўр ҳам ўша... Гап шундаки, Ёзёвонда кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалик билан машғул фермер хўжалиklари сони деярли 60 фоизга кўпайди. 1999 йили туманда 345 та фермер хўжалиғи фаолият кўрсатган бўлса, 2001 йилга келиб улар сони 526 тага етди. Ҳозир 3091 гектар ер, яъни туман умумий пахта майдонининг 39,6 фоизи пахта етиштирувчи фермерлар ихтиёрида, 2311 гектар галла майдони, яъни туман галла майдонларининг 40 фоизи ҳам фермер хўжалиklarига қарашлидир. Аникроқ қилиб айтсак, Фарғона вилоятидаги барча фермер хўжалиklarининг 20 фоизга яқини айнан шу туманда фаолият кўрсатяпти.

Яқинда акциядорлик-тижорат «Пахта банк» виллоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Шаропов шундай деб қолди: — Ёзёвондаги фермерлар фаолияти ҳақида ёзинг. Фермер хўжалиklarининг кўпайиши қишлоқ хўжалиғини юксалтириш омили эканлигини ана шу туман мисолида кўриш мумкин. «Пахта банк» бежиз фермерларни қўллаб-қувватлаётгани йўқ... Расулжон ака ҳамроҳлигида

ХДП ХАБАРИ

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛХОНЛАР МЕҲМОНИ

Зангуота туманининг «Ўзгарш» ва Қибрай туманининг «Оққовоқ» фуқаролар йиғинларида «Мулоқот» журнали ижодий ходимлари билан журналхонларнинг учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувларда Зангуота туманидаги Алишер Навоий номи жамоа хўжалиғи меҳнат аҳли, «Ўзгарш» қишлоғида жойлашган ташкилотлар вакиллари, Қибрай туманидаги Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ходимлари, Ўрмончилик-мелиорация техникуми ўқитувчилари ва талабалари, Қибрай туман ҳокимлиғи қатор бошқарма ва бўлим раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок эттишди. Учрашувларни таъминлаган, Зангуота ва Қибрай тумани кенгашлари биринчи котиблари Д.Тошмедова ва М.Мирмақсудовлар олиб боришди. Учрашувларда «Мулоқот» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Р.Раупов ва журнал таҳририяти бўлими мудири Н.Ёкубов журнал ижодий жамоасининг режалари, истиқболлари тўғрисида гапирдилар, ўз асарларидан намуналар ўқиб бердилар.

Ўзбекистон ХДП Тошкент виллоят кенгаши матбуот хизмати

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллиғи Жиззахда кенг нишонланади. Байрамнинг асосий қисми 5 декабрь кунин Юнус Ражабий номи виллоят мусиқали драма театрида бўлиб ўтади. Шу боис, театр байрамона безатилмоқда. Кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда. Тошкент шаҳридан бир гуруҳ санъаткорлар тақлиф қилинган. — Айни кунларда виллоят олий ва ўрта махсус ўқув юрлари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, мактаб-боғча, ташкилот ва идораларда Бош қомусимизга бағишлаб давра сўхбатлари, қизқарли учрашувлар ўтказилмоқда, — дейди виллоят ҳокимлиғи адлия бошқармасининг бошлиғи Ҳасан Йўлдошев.

Ўзбекистон ХДП Тошкент виллоят кенгаши матбуот хизмати



Мана бир неча йилдирки, Элликқалъа туманида «Элтекс» акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечак махсулотларидан республикамиз аҳолиси мамнун. Яқинда комбинатда Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш «Юнивер» фирмаси билан ҳамкорликда янги тикувчилик цехи ишга туширилди. 800 ишчига мўлжалланган ушбу цехда асосан маҳаллий ёшлар меҳнат қилишади.

APLOVIT ОЗИШ ВА ҚАДДИ-ҚОМАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ТАБИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАСИ NEW APLOVIT — ҲАЁТ МАНБАИ! БУНГА ҚЎРБИНГИЗ ЕТАДИ ОРТИҚЧА ВАЗДАН ҚУТИЛИНГ. ҲАЁТ ҚЎВОНЧИ ВА ЎЗИНГИЗГА ИШОНЧНИ ҲИС ЭТИНГ. БИРТАЛИҚДА ОЗАЙЛИК! Ишлаб чиқарувчи — «GRACE INTERNATIONAL LIMITED» кўшма корхонаси. Телефон: (998-71) 199-56-43

ҚОРА ҚИЛМИШ

«Соғлиғимга зарар қилмас-ов, бор-йўғи 2 кун чиласам, у ёғига қарабсанки, пичоқ мой устида деявер».

Нурали хаёлан шуларни ўйлаб, йўлида давом этди. Кейин темир йўл вокзали томон юрди. 259-сонли Душанбе-Волгоград йўловчи поездиға чиқиб олди. Аввалига ҳамма иш жойидадек эди, аммо аста-секин бошланган ич оғриқ зўрайиб, у қорнини чагаллаганча ўтириб қолди. Атрофдагилар бундан безовталаниб ёрдан кўрсатишга шошилдилар.

Буни қарангки, 3-сонли Сароисий темир йўл бекати божхона масканида божхоначилар Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда талбир ўтказаятган эдилар. Бундан хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасидан ҳам вакиллар келишди. Улар йўловчининг аҳолининг сўраб улгурмасларидан у ҳушидан кетди. Уни зудлик билан тумандаги марказий шифохонага олиб боришди. Аммо қанчалик уринишмасин, беморнинг ҳаётини сақлаб қолишолмади...

Жарроҳлар марҳумни текшириб, унинг ошқозонидан резина филофларга жойланган ярим килограммга яқин героин гиёҳвандлик моддасини чиқариб олдилар. Уларнинг айримлари ёрилиб кетиб 31 ёшли йигитнинг бевақт ҳаётдан қўз юмишига сабаб бўлган.

Ушбу шахс 1968 йилда туғилган Тожикистон Республикасининг фуқароси Нурали Давлатов эди. Афсуски, унинг ҳаёти мана шу тарзда ниҳоясига етди. Қанчадан-қанча кишиларнинг пушаймонлик сўзлари телевизион кўрсатувларда намойиш этилиб, матбуот саҳифаларида эълон қилинапти. Аммо бундан ҳулоса чиқариш ўрнига ёшларнинг, айниқса, аёлларнинг нарқобизнеснинг айнан ана шундай усули билан шуғулланаётганликлари қалбимизни изтиробга солади. Ваҳоланки, бу йўлнинг охири ё мажруҳлик, ёки юқорида ўзингиз шохиди бўлгандек бевақт ўлим билан тугайди.

Мухаббат ХЎЖАМУРОВА



СЕРЖИЛО ТАФАККУР

ДУРДОНАЛАРИДАН*

КОНФУЦИЙ – КАДИМГИ ХИТОЙЛИК ФАЙЛАСУФ, ДОНИШАМАНД. МИЛОДДАН АВВАЛГИ

551-479 ЙИЛЛАДА ЯШАГАН.

Конфуций таълимнинг энг лунда таърифи унинг Цзин-Чуннинг (Ци давлатининг подшоги) давлатни қандай бошқармоқ керак, деган саволга берган жавобида мавжуд. Конфуций айтган: «Ша, ўғил – амалдор, ота – ота, ўғил – ўғил бўлмоғи лозим».

Мен ҳамма нарсани ҳақиқатинингга ёрдами билан биланам.

Дарёнинг соҳилида туриб, Устоз айтиди: «Хамма нарс ҳудди сувдай оқибди. Вақт тўхтамай юғради».

Олижаноб кишининг ахлоқи шамолга ўшади; пастхак одамнинг ахлоқи майсага ўшади. Шамол қаёққа эсса, майса ўша томонга эғилади.

«Жънъ (инсонийлик) нима?» – деган саволга Конфуций жавоб берди: «Ўзинга раво кўрмаган нарсани бошқага қилмагин. Ва шунда ёмонлик давлатда ҳам, оилада ҳам бархам топади».

Цзи-Гун (Конфуцийнинг шогирди) устозини тақрорлаб, айтиди: «Менга нимани қилишларини хоҳламанам, шуни бошқаларга қилмайман». Конфуций бунга жавоб берди: «Бунга эришиб бўлмайди».

Сима Нун инсонпарварлик тўғрисида сўради. Конфуций айтиди: «Инсонпарварлик тўғрисида гапириш мушкул». Сима Нун сўради: «Нима ҳақида гапириш қийин бўлса, ўша инсонпарварликми?». Файласуф айтиди: «Буни баҳармоқ мушкул, наҳоти, бу ҳақда гапириш осон бўлса?».

Одамларнинг нимани гапирётганини билмасдан, уларни билма бўлмайди.

Очдан ўлмоқ – арзиман ҳодиса, ахлоқни йўқотиш эса – катта.

Осмонда иккита қўшиннинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, ҳалқда иккита ҳукмдорнинг бўлиши мумкин эмас.

Қамондан ўқ ўзиш ҳақиқатни қандай

илаш кераклигига ўргатади. Мерган нишонга тега олгани учун айбни бошқалардан эмас балки ўзидан ахтради.

Қирқ ўшага кириб, ўзига нисбатан совуқ муносабат уйғотувчи киши – тамом бўлган одам.

Ҳар ким олижаноб арбоб бўлиши мумкин. Фақат бунга жазм қилмоқ лозим.

Бирдан-бир чинакам хато – ўзининг олдинги хатоларини тузатмаслик.

Ўзингизга қаттиқ ва бошқаларга юмшоқ бўлинг. Шунда сиз ўзингизни одамларнинг ёмон кўришларидан асраган бўласиз.

Сўзларнинг маънони ифода этишлари етарлидир.

Эскига мурожаат қилиб, янгини кашф этишга қобилиятли киши устоз бўлишга муносибдир.

Саховатпешалик ёлғизлиб қолмайди. Унга, албатта, йўлдошлар топилади.

Конфуцийдан сўрадилар: — Мангулик мавжудми?

— Биз ҳаётнинг нима эканлигини билмаймиз-у, ўлимнинг нима эканлигини билишимиз мумкинми? – дея мумжл жавоб берди у.

Ёмонликка ахшилик билан жавоб қайтарилар – бемаъйилик. Унда ахшилик нима билан жавоб қайтармоқ лозим?

Тамойиллар турлича бўлса, умумий тил топиб бўлмайди.

Одамлар учун инсонпарварлик сув ва олоддан ҳам муҳимроқдир. Мен одамларнинг сув ва олов домига тушиб, ҳалок бўлганларини кўрганман. Бироқ, одамларнинг инсонпарварлик йўлидан бориб, ҳалок бўлганларини кўрмаганман.

Аҳмоқ киши одамлар мени яхши билмайдилар, деб шикоят қилади, оқил киши эса аксинча, мен одамларни билмайман, деб койнади.

Конфуцийдан сўрадилар: — Бутун умр таяниж яхши мумкин бўлган яғона сўз борми?

— Ҳа, бор. Бу — бағрикенглик.

Рўсчадан Мухаммад РАХИМОВ Угли таржимаси

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 49-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАКАМЛАРИ ЖАДВАЛИ

Table with lottery results for 'Yaxshi Niyat' television lottery. Columns include ticket numbers (1TP, 2TP, 3TP, 4TP, 5TP, 6TP, 7TP, 8TP, 9TP, 10TP) and winning amounts.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 49-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАКАМЛАРИ КИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар жадвал охиридан қолган, қалтанди чикмасан рақамлар бунча текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлигини уш текшириш керак. Агар ҳаққонда чикмасан берча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда уш чипта қўшимча турда ютқани ҳисобланади. Сўраш чипта сериксини 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда ютган қалини текширилади. 6 турдан боғлиқ мизкур турдаги рақамнинг чиптада мавжудлигини текширилади.

Summary table of lottery results showing ticket numbers and corresponding prize amounts for various categories.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК! 2001 ЙИЛ 6 ДЕКАБРДАГИ 50 ТИРАЖДА УЙЛАДАГИ

Advertisement for 'Yaxshi Niyat' lottery featuring images of lottery tickets and promotional text. Includes details about ticket prices and prize structures.

Advertisement for Azim Suyun, Abdulla Jaloov, and other authors. Lists names and titles of works.

Advertisement for Xalq Demokratik Partiyasi (XDP) with logo and text.

Advertisement for Ozbekiston Xalq Demokratik Partiyasi Markaziy Kengashi.

Advertisement for Bolimlar (Subjects) listing various subjects and their corresponding page numbers.

Advertisement for Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqishi boshlagan.

Advertisement for Viloyat Muxbirlari (Regional Editors).

Advertisement for Manzilimiz (Our Address) listing various addresses and phone numbers.

Advertisement for Navbachi Mamonjon Qiyomov and other authors.

Advertisement for 'XATO' (Mistake) featuring a cartoon character and text about a business deal.

Advertisement for 'KULGI — UMR ZIYNATI' (Harvest — Age of Prosperity) featuring images of tractors and text about agricultural machinery.

Advertisement for 'ХУСУСИИ ФИРМА' (Special Firm) featuring images of tires and text about a tire company.